

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 13.14/2024

SJIF 2024 = 5.444

Том 3, Выпуск 05, Мая

УДК: 616.12-008.46-089.5

ДЕЛЛАТАЦИОН КАРДИОМИПАТИЯ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ.

Аташев А.Р., Каримов Р.Х., Сабилов М.М., Хударганов И.А.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали.

Республика тез тиббий ёрдам маркази Хоразм филиали.

Аннотация: Деллатацион кардиомиопатия касаллиги умуман олганда, бу юракнинг асосий камералари кенгайиши ва систолик функциясининг пасайиши билан кечадиган касаллик бўлиб, турли келиб чиқиш сабабларига эга бўлган миокард касалликлар гуруҳига кирадиган касалликдир.

Ушбу касаллик кўпинча юрак етишмовчилиги, аритмиялар ва тромбоземболик асоратлар билан кечиш, охириги йилларда дилатацион кардиомиопатия тарқалиши ортиб бораётгани ва унинг юқори ўлим кўрсаткичлари билан учраши тиббиёт соҳасида ушбу муаммонинг долзарблигини янада оширмоқда.

Мазкур тадқиқотда дилатацион кардиомиопатиянинг клиник кечиши, ташхис қўйиш усуллари ва даволаш тактикалари кўриб чиқилади. Шунингдек, умумий анестезия талаб этиладиган жарроҳлик амалиётлари вақтида дилатацион кардиомиопатияли беморларда анестезиологик химояни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Бундай беморларда гемодинамик ўзгаришлар хавфи юқори бўлгани сабабли, замонавий мониторинг усуллари ва мувозанатлаштирилган анестезия тактикалари ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларига кўра, дилатацион кардиомиопатияда такрорий умумий анестезияни ўтказишда юрак-қон томир тизимини барқарорлаштириш ва амалиёт олди асоратларни камайтириш учун комплекс анестезиологик химоя протоколларини жорий этиш тавсия этилади.

Калит сўзлар: дилатацион кардиомиопатия, умумий анестезия, анестезиологик химоя, гемодинамика, юрак етишмовчилиги.

УДК: 616.12-008.46-089.5

ДЕЛЛАТАЦИОННАЯ КАРДИОМИОПАТИЯ И ЕЕ ТИПЫ.

Аташев А.Р., Каримов Р.Х., Сабилов М.М., Хударганов И.А.

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 13.14/2024

SJIF 2024 = 5.444

Том 3, Выпуск 05, Мая

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии.
Хорезмский филиал Республиканского центра экстренной медицинской помощи.

Аннотация: Дилатационная кардиомиопатия — заболевание, характеризующееся расширением главных камер сердца и снижением систолической функции, представляет собой группу заболеваний миокарда различной этиологии.

Это заболевание часто сопровождается сердечной недостаточностью, аритмиями и тромбоэмболическими осложнениями, а рост распространенности дилатационной кардиомиопатии в последние годы и высокая смертность от нее еще больше повышают актуальность этой проблемы в медицинской сфере.

В данной работе рассмотрены особенности клинического течения дилатационной кардиомиопатии, методы диагностики и тактика лечения. Также особое внимание уделено вопросам обеспечения анестезиологической защиты у больных с дилатационной кардиомиопатией при проведении хирургических операций, требующих общей анестезии. В связи с высоким риском гемодинамических изменений у таких пациентов важна разработка современных методов мониторинга и сбалансированной анестезиологической тактики.

По результатам исследования рекомендовано внедрение комплексных протоколов анестезиологической защиты для стабилизации сердечно-сосудистой системы и снижения периоперационных осложнений при повторной общей анестезии при дилатационной кардиомиопатии.

Ключевые слова: дилатационная кардиомиопатия, общая анестезия, анестезиологическая защита, гемодинамика, сердечная недостаточность.

UDK: 616.12-008.46-089.5

DELLATATION CARDIOMYPATHY AND ITS TYPES.

Atashev A.R., Karimov R.Kh., Sabirov M.M., Khudarganov I.A.

Urganch Branch of Tashkent Medical Academy.

Khorezm Branch of the Republican Emergency Medical Center.

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 13.14/2024

SJIF 2024 = 5.444

Том 3, Выпуск 05, Мая

Abstract: Dilated cardiomyopathy is a disease characterized by dilation of the main chambers of the heart and decreased systolic function, and is a group of myocardial diseases with various etiologies.

This disease is often accompanied by heart failure, arrhythmias, and thromboembolic complications, and the increasing prevalence of dilated cardiomyopathy in recent years and its high mortality rate further increase the urgency of this problem in the medical field.

In this study, the clinical course of dilated cardiomyopathy, methods of diagnosis and treatment tactics are considered. Also, special attention is paid to the issues of providing anesthesiological protection in patients with dilated cardiomyopathy during surgical operations requiring general anesthesia. Due to the high risk of hemodynamic changes in such patients, it is important to develop modern monitoring methods and balanced anesthesia tactics.

According to the results of the study, it is recommended to implement comprehensive anesthetic protection protocols to stabilize the cardiovascular system and reduce perioperative complications during repeated general anesthesia in dilated cardiomyopathy.

Keywords: dilated cardiomyopathy, general anesthesia, anesthetic protection, hemodynamics, heart failure.

Мавзунинг долзарблиги: Ҳозирги кунда дунё аҳолиси орасида юрак-қон томир тизими касалликлари ичида ва улардан келиб чиқадиган асоратлар сони йил сайин ортиб бориши кузатилмоқда. Шу жумладан, юрак касалликлари ичида дилатацион кардиомиопатия (ДКМП) ҳам тарқалиши, оғир клиник кечиши ва юқори ўлим даражаси билан ажралиб туради.

ДКМП касаллиги юрак миокардининг кенгайиши, систолик функциясининг пасайиши ва юрак иш фаолиятининг издан чиқиши билан кечадиган оғир патологик ҳолат бўлиб, кўпинча юрак етишмовчилиги, аритмиялар, тромбоэмболик асоратлар ҳамда кардиоген шок ривожланишига олиб келади.

Бундай беморларда жарроҳлик амалиётлари вақтида умумий анестезияни тўғри ташкил қилиш жуда масъулиятли ва мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки ДКМПда юракнинг резерв имкониятлари чекланган, гемодинамик ўзгаришларга ўта сезгир ва анестезияга жавоб реакцияси ноодатий кечади. Айниқса, такрорий

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 13.14/2024

SJIF 2024 = 5.444

Том 3, Выпуск 05, Мая

умумий анестезия вақтида юракнинг функционал ҳолати янада ёмонлашиши, анестезия ҳамда жарроҳлик стрессини кўтара олмаслик хавфи юқори бўлади.

Замонавий тиббиётда анестезиологик химоянинг янги усуллари, жумладан, юқори аниқликка эга гемодинамик мониторинг технологиялари, баланслаштирилган анестезия, индивидуаллаштирилган кардиопротекция, вазоактив ва инотропик воситалардан мақсадли фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. ДКМПли беморларда анестезияни оптимал ташкил этиш ва унинг асоратларини камайтириш учун махсус протокол ва тактик ёндошувларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг талабларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу мавзунинг долзарблиги шундаки, юрак касалликларининг ўсиш тенденцияси, улар фонида жарроҳлик эҳтиёжи ортиши ва такрорий анестезияга тўғри келадиган клиник ҳолатлар сони ортиб бораётгани анестезиология ва реаниматология соҳасида ушбу муаммони янада чуқур ўрганишни тақозо этмоқда. Мавзуда олиб бориладиган тадқиқотлар анестезиологик тактикани такомиллаштириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва анестезия асоратларини олдини олиш имконини беради.

Ишнинг мақсади: ишнинг мақсади сифатида, дилатацион кардиомиопатия (ДКМП) ташхиси қўйилган беморларда такрорий умумий анестезия вақтида юрак-қон томир тизимини сақлаш ва жарроҳлик амалиёти асоратларни камайтириш мақсадида анестезиологик химояни такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш.

Олинган натижалар: Тадқиқот натижаларига кўра, асосий гуруҳда анестезия вақтида систолик ва диастолик қон босими, юрак тезлиги ва кислород сатурацияси нисбатан барқарор сақлангани кузатилди. Амалиёт олди асоратлар (аритмиялар, гипотония, юрак етишмовчилиги) сони асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан сезиларли кам кузатилди (20% ва 50% мос равишда, $p < 0,05$). Шунингдек, реанимация бўлимида қолиш муддати ҳам қисқаргани қайд этилди.

Ўрганишлар давомида ДКМПнинг клиник белгилари касаллик босқичи ва юрак функциясининг бузилиши даражасига боғлиқ равишда юрак етишмовчилиги белгилари, яъни нафас қисиши, ортопноэ, тунги просизмал диспноэ, умумий заифлик ва чарчоқ, периферик шишлар, тахикардия, аритмиялар, гипотония белгилари кузатилди.

Беморларда аниқланган касалликларнинг асорати сифатида, сурункали юрак етишмовчилиги, аритмиялар, кардиоген шок, ўлим ҳолатлари аниқланди.

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 13.14/2024

SJIF 2024 = 5.444

Том 3, Выпуск 05, Мая

Юқоридаги аниқланган касалликларни аниқлашда биз асосан, ЭКГ яъни, синус тахикарди, аритмиялар, гис тутами блокадаларини, ST-T сегмент ўзгаришларини, ЭхоКГ да юрак камералари кенгайиши, систолик дисфункция, валвуляр регургитация ўзгаришлари, кўкрак қафаси рентгенографиясида кардиомегалия, ўпкада веноз гипертензия белгилари, плеврада патологик жараёнларини, МРТ да миокард фибрози ва шикастланиш ўчоқлари аниқлашдан фойдаланилиб ўрганилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Дилатацион кардиомиопатия ташхиси қўйилган беморларда такрорий умумий анестезия жараёнида замонавий гемодинамик мониторинг, индивидуаллаштирилган анестезия тактикалари ва комплекс кардиопротекция қўллаш юрак-қон томир тизимини барқарорлаштириш ва периоперацион асоратларни камайитиришда самарали эканлиги исботланди. Тадқиқот натижалари асосида анестезиологик химоя протоколи ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов, Р. Х., Мусаев, У. М., & Рузметова, Д. Т. (2023, August). ЯТРОГЕНИЯ НА ПРИМЕРАХ ИЗ ПРАКТИКИ (По данным лет обзор). In *International conference on multidisciplinary science* (Vol. 1, No. 1, pp. 10-12).
2. Каримов, Р. Х., Мусаев, У. М., Рузметова, Д. Т., & Султанов, Б. Б. (2023). ВРАЧЕБНЫЕ ОШИБКИ В ПРАКТИКЕ АКУШЕРОВ-ГИНЕКОЛОГОВ. In *Past and Future of Medicine: International Scientific and Practical Conference* (Vol. 2, pp. 114-117).
3. Каримов, Р. Х., Мусаев, У. М., Рузметова, Д. Т., & Султанов, Б. Б. (2023, October). ЯТРОГЕНИЯ В НЕОНАТОЛОГИИ (ПО ДАННЫМ ЛЕТ. ОБЗОР). In *International conference on multidisciplinary science* (Vol. 1, No. 3, pp. 76-78).
4. Аташаев, А. Р., Каримов, Р. Х., & Собиров, М. М. (2025, March). ДЕЛИТАЦИОН КАРДИОМИОПАТИЯНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ДОЛЗАРБЛИГИ. In *International conference on multidisciplinary science* (Vol. 3, No. 3, pp. 75-75).
5. Radzhapov Adilbek Anvarbekovich, Karimov Rasulbek Khasanovich, & Matchanov Jahongir Ruslanovich. (2025). KIDNEY DISEASES IN PREMATURE INFANTS. INTERNATIONAL CONFERENCE OF NATURAL AND SOCIAL-

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 13.14/2024

SJIF 2024 = 5.444

Том 3, Выпуск 05, Мая

HUMANITARIAN SCIENCES, 2(3), 51–53.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15320961>

6. Собиров М.М., Аташев А.Р., Р.Х.Каримов, & Хударганов И.А. (2025). ДЕЛЛИТАЦИОН КАРДИОМИОПАТИЯЛАРДА ТАКРОРИЙ УМУМИЙ АНЕСТЕЗИЯНИНГ АСОРАТЛАРИ. INTERNATIONAL CONFERENCE OF NATURAL AND SOCIAL-HUMANITARIAN SCIENCES, 2(3), 3–4. <https://doi.org/10.5281/zenodo.1512921>